Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига
1-сонли илова, ЎзР АВ томонидан 2003 й. 24 январда рўйхатга олинган N 1209

**Бухгалтерия баланси №1-сонли шакл**

2017 йил 4 чораги

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | БхУТ бўйича 1-шакл | |
| Корхона, ташкилот | ФАРГОНАЕГМОЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ.ОЧИК | КТУТ бўйича | 00392744 |
| Тармоқ | Промышленность | ХХТУТ бўйича | 18121 |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли | Открытые акционерные общества | ТхШТ бўйича | 1150 |
| Мулкчилик шакли | Коллективная | МШТ бўйича | 144 |
| Вазирлик, идора ва бошқалар | Ассоциация"Uzpahtasanoat" | ДБИБТ бўйича | 08284 |
| Солиқ тўловчининг идентификацион рақами | | СТИР | 200146438 |
| Ҳудуд | ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФАРҒОНА шахри | МхОБТ | 1730401 |
| Манзил | МЕМОР 9 УЙ | Жўнатилган сана | |
| Ўлчов бирлиги, минг сўм | | қабул қилинган сана | |
| | | Тақдим қилиш муддати | |

## Бухгалтерия баланси №1 -сонли шакл

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ҳисобот даври бошига | Ҳисобот даври охирига |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| **Актив** | | | |
| **I. Узоқ муддатли активлар** | | | |
| **Асосий воситалар:** | | | |
| Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300) | 010 | 42 346 571,00 | 43 038 280,00 |
| Эскириш суммаси (0200) | 011 | 13 359 578,00 | 16 486 230,00 |
| қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011) | 012 | 28 986 993,00 | 26 552 050,00 |
| Номоддий активлар: | | | |
| Бошланғич қиймати (0400) | 020 | | |
| Амортизация суммаси (0500) | 021 | | |
| қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021) | 022 | 0 | 0 |
| Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080) | 030 | 767 411,00 | 751 843,00 |
| Қимматли қоғозлар (0610) | 040 | 48 973,00 | 48 973,00 |
| Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620) | 050 | 718 438,00 | 702 870,00 |
| қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630) | 060 | | |
| Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640) | 070 | | |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) | 080 | | |
| Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар (0700) | 090 | | |
| Капитал қўйилмалар (0800) | 100 | 1 077 613,00 | 2 010 152,00 |
| Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910,0920,0930,0940) | 110 | | |
| Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990) | 120 | | |
| I бўлим бўйича жами (сатр.012+022+030+090+100+110+120) | 130 | 30 832 017,00 | 29 314 045,00 |
| **II. Жорий активлар** | | | |
| Товар моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180) | 140 | 7855101 | 8 953 223,00 |
| Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) | 150 | 4 650 896,00 | 6 949 839,00 |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) | 160 | 1 548 912,00 | 1 334 713,00 |
| Тайёр маҳсулот (2800) | 170 | 1 655 293,00 | 668 671,00 |
| Товарлар (2900 дан 2980 нинг айирмаси) | 180 | | |
| Келгуси давр харажатлари (3100) | 190 | 13 562,00 | 13 599,00 |
| Кечиктирилган харажатлар (3200) | 200 | 763 659,00 | 1 787 688,00 |
| Дебиторлар, жами (сатр. 220+240+250+260+270+280+290+300+310) | 210 | 2 911 215,00 | 2 761 842,00 |
| шундан: муддати ўтган* | 211 | | |
| Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) | 220 | 239 482,00 | 672 062,00 |
| Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) | 230 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120) | 240 | | |
| Ходимларга берилган бўнаклар (4200) | 250 | 9 291,00 | 24 885,00 |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300) | 260 | 2 089 310,00 | 1 429 048,00 |
| Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (4400) | 270 | 10 159,00 | 119 372,00 |
| Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500) | 280 | | |
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) | 290 | | |
| Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) | 300 | 98 079,00 | 102 079,00 |
| Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) | 310 | 464 894,00 | 414 396,00 |
| Пул маблағлари, жами (сатр.330+340+350+360), шу жумладан: | 320 | 186 044,00 | 523 109,00 |
| Кассадаги пул маблағлари (5000) | 330 | | |
| Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари (5100) | 340 | 172 982,00 | 338 994,00 |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) | 350 | 13 062,00 | |
| Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) | 360 | | 184 115,00 |
| қисқа муддатли инвестициялар (5800) | 370 | 48 982,00 | 16 392,00 |
| Бошқа жорий активлар (5900) | 380 | | |
| II бўлим бўйича жами (сатр. 140+190+200+210+320+370+380) | 390 | 11 778 563,00 | 14 055 853,0 |
| Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390) | 400 | 42 610 580,00 | 43 369 898,0 |
| **Пассив** | | | |
| **I. Уз маблағлари манбалари** | | | |
| Устав капитали (8300) | 410 | 17 951 002,00 | 17 951 002,0 |
| Қўшилган капитал (8400) | 420 | 96 877,00 | 96 877,0 |
| Резерв капитали (8500) | 430 | 12 970 794,00 | 13 131 885,0 |
| Сотиб олинган хусусий акциялар (8600) | 440 | | |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700) | 450 | 3 934 594,00 | 3 680 713,6 |
| Мақсадли тушумлар (8800) | 460 | | |
| Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун захиралар (8900) | 470 | | |
| I бўлим бўйича жами (сатр.410+420+430-440+450+460+470) | 480 | 34 953 267,00 | 34 860 477,6 |
| **II. Мажбуриятлар** | | | |
| Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами (сатр.500+520+530+540+550+560+570+580+590) | 490 | 1 750 000,00 | 1 800 000, |
| шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590) | 491 | 0,00 | 0, |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000) | 500 | | |
| Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110) | 510 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120) | 520 | | |
| Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230) | 530 | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) | 540 | | |
| Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290) | 550 | | |
| Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300) | 560 | | |
| Узоқ муддатли банк кредитлари (7810) | 570 | 1 750 000,00 | 1 800 000,00 |
| Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840) | 580 | | |
| Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900) | 590 | | |
| Жорий мажбуриятлар, жами (сатр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+ +720+730+740+750+760) | 600 | 5 907 313,00 | 6 709 420,40 |
| шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (сатр.610+630+650+670+680+690+ +700+710+720+760) | 601 | 5 439 313,00 | 6 701 420,40 |
| шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари* | 602 | | |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000) | 610 | 2 769 780,00 | 1 679 431,00 |
| Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110) | 620 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120) | 630 | 539 797,00 | 539 797,00 |
| Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230) | 640 | | |
| Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240) | 650 | | |
| Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290) | 660 | | |
| Олинган бўнаклар (6300) | 670 | 443 284,00 | 362 325,00 |
| Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400) | 680 | 459 127,00 | 1 836 792,00 |
| Суғурталар бўйича қарз (6510) | 690 | | |
| Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520) | 700 | 452 046,00 | 589 436,40 |
| Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600) | 710 | 82 344,00 | 1 029 336,00 |
| Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700) | 720 | 514 726,00 | 473 849,00 |
| Қисқа муддатли банк кредитлари (6810) | 730 | | |
| Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840) | 740 | 468 000,00 | 8 000,00 |
| Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950) | 750 | | |
| Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900) | 760 | 178 209,00 | 190 454,00 |
| II бўлим бўйича жами (сатр.490+600) | 770 | 7 657 313,00 | 8 509 420,4 |
| Баланс пассиви бўйича жами (сатр.480+770) | 780 | 42 610 580,00 | 43 369 898,0 |

**Балансдан ташқари счётларда ҳисобга олинадиган қийматликларнинг мавжудлиги тўғрисида маълумот**

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ҳисобот даври бошига | Ҳисобот даври охирига |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| Оператив ижарага олинган асосий воситалар (001) | 790 | | |
| Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002) | 800 | | |
| Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003) | 810 | | |
| Комиссияга қабул қилинган товарлар (004) | 820 | | |
| Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005) | 830 | | |
| Қатъий ҳисобот бланкалари (006) | 840 | | |
| Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007) | 850 | 42 308,00 | 42 308,00 |
| Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008) | 860 | | |
| Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009) | 870 | | |
| Молиявий ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар (010) | 880 | | |
| Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011) | 890 | | |
| Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012) | 900 | | |
| Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013) | 910 | | |
| Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (014) | 920 | 99 248,00 | 79 438,00 |

*) Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг расшифровкаси Бухгалтерия балансининг иловасига мувофиқ келтирилади

Раҳбар

МИРЗААХМЕДОВ АХМАДЖОН

Бош ҳисобчи

Хикматов Ойбек

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 2-сонли илова,
ЎзР АВ томонидан 2003 й. 24 январда рўйхатга олинган N 1209

**Молиявий натижалар тўғрисида хисобот - 2-сонли шакл**

2017 йил 4 чораги

| | | | Коды |
|---|---|---|---|
| | | БхУТ бўйича 1-шакл | |
| Корхона, ташкилот | ФАРГОНАЕГМОЙ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ.ОЧИК | КТУТ бўйича | 00392744 |
| Тармоқ | Промышленность | ХХТУТ бўйича | 18121 |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли | Открытые акционерные общества | ТхШТ бўйича | 1150 |
| Мулкчилик шакли | Коллективная | МШТ бўйича | 144 |
| Вазирлик, идора ва бошқалар | Ассоциация"Uzpahtasanoat" | ДБИБТ бўйича | 08284 |
| Солиқ тўловчининг идентификацион рақами | | СТИР | 200146438 |
| Ҳудуд | ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФАРҒОНА шахри | МхОБТ | 1730401 |
| Манзил | МЕМОР 9 УЙ | Жўнатилган сана | |
| Ўлчов бирлиги, **минг сўм** | | қабул қилинган сана | |
| | | Тақдим қилиш муддати | |

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТУГРИСИДА ХИСОБОТ - 2-сонли шакл**

| Курсаткичлар номи | Сатр коди | Утган йилнинг шу даврида | | Ҳисобот даврида | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Даромадлар (фойда) | Харажатлар (зарарлар) | Даромадлар (фойда) | Харажатлар (зарарлар) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум | 010 | 52 173 401,00 | х | 56 679 056,00 | х |
| Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи | 020 | х | 42 474 274,00 | х | 49 616 941,00 |
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020) | 030 | 9 699 127,00 | 0 | 7 062 115,00 | 0 |
| Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080),шу жумладан: | 040 | х | 6 690 758,00 | х | 7 367 800,66 |
| Сотиш харажатлари | 050 | х | 711 818,00 | х | 770 498,60 |
| Маъмурий харажатлар | 060 | х | 959 605,00 | х | 802 664,27 |
| Бошқа операцион харажатлар | 070 | х | 5 019 335,00 | х | 5 794 637,79 |
| Ҳисобот даврининг солиқ солинадиган фойдадан келгусида чегириладиган харажатлари | 080 | х | | х | |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 090 | 1 389 604,00 | х | 3 178 050,20 | х |
| Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090) | 100 | 4 397 973,00 | 0 | 2 872 364,54 | 0 |
| Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан: | 110 | 93 510,00 | х | 179 800,00 | х |
| Дивидендлар шаклидаги даромадлар | 120 | 19 929,00 | х | 150 194,80 | х |
| Фоизлар шаклидаги даромадлар | 130 | | х | | х |
| Молиявий ижарадан даромадлар | 140 | | х | | х |
| Валюта курси фарқидан даромадлар | 150 | 1816 | х | 19 545,20 | х |
| Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 160 | 71765 | х | 10 060,00 | х |
| Молиявий фаолият буйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан: | 170 | х | 452774 | х | 509 155,20 |
| Фоизлар шаклидаги харажатлар | 180 | | 333 572,00 | | 335 375,00 |
| Молиявий ижара буйича фоизлар шаклидаги харажатлар | 190 | х | | х | |
| Валюта курси фарқидан зарарлар | 200 | х | 119 202,00 | х | 173 780,20 |
| Молиявий фаолият буйича бошқа харажатлар | 210 | х | | х | |
| Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170) | 220 | 4 038 709,00 | 0 | 2 543 009,34 | 0 |
| Фавқулоддаги фойда ва зарарлар | 230 | | | | |
| Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230) | 240 | 4 038 709,00 | 0 | 2 543 009,34 | 0 |
| Фойда солиғи | 250 | х | 364 167,00 | х | 250 725,00 |
| Фойдадан бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар | 260 | х | 292 369,00 | х | 182 005,00 |
| Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260) | 270 | 3 382 173,00 | 0 | 2 110 279,34 | 0 |

## БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича тўланади . | Ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблангандан ҳақиқатда тўлангани |
|---|---|---|---|
| Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | 280 | 35 392,16 | 91 687,40 |
| Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи | 290 | 498 318,99 | 436 307,78 |
| шу жумладан:шахсий жамғариб бориладиган пенсия хисобваракларига ажратмалар | 291 | 49 090,32 | 42 637,23 |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | 300 | 192 857,89 | 188 669,21 |
| Қўшилган қиймат солиғи | 310 | 5 992 069,83 | 4 585 036,16 |
| Акциз солиғи | 320 | 6 425 236,41 | 6 483 396,36 |
| Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ | 330 | | |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ | 340 | 53 688,51 | 58 226,01 |
| Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ | 350 | 1 153 298,08 | 894 096,07 |
| Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи | 360 | 168 413,94 | 168 768,42 |
| Ягона солиқ тўлови | 370 | | |
| Ягона ер солиғи | 380 | | |
| Қатъий белгиланган солиқ | 390 | | |
| Бошқа солиқлар | 400 | 135 310,15 | 24 500,00 |
| Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар | 410 | 821 528,73 | 682 242,00 |
| Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар | 420 | 938 889,97 | 779 823,78 |
| Бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар | 430 | 293 403,13 | 243 793,04 |
| Ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари | 440 | 2 029 850,19 | 1 798 985,59 |
| Импорт бўйича божхона божи | 450 | | |
| Маҳаллий бюджетга йиғимлар | 460 | | |
| Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар | 470 | 51 687,00 | 51 687,00 |
| Жами бюджетга тўловлар суммаси (280 дан 470 сатргача 291 сатрдан ташқари) | 480 | 18 789 944,97 | 16 487 218,81 |

Раҳбар
МИРЗААХМЕДОВ АХМАДЖОН

Бош ҳисобчи
Хикматов Ойбек

“ Фарғона ёғ-мой ” АЖ ички аудит хизмати томонидан
2017 йил якуни бўйича бажарилган ишлари юзасидан йиллик

## ХИСОБОТ

## АНАЛИТИК КИСМ

### 3. Бизнес-режа бажарилишини бориши юзасидан текшириш натижалари бўйича хисобот

**Ишлаб чиқаришдан олииган махсулотлар бўйича:**

**2017 йил якуни бўйича жамият бизнес- режасини бажарилиши тахлил қилинганда қуйидагича бўлди:**

| т/р | | Ўлчов бир-ги | 2017 йил якуни буйича | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | **Режада** | **Хақиқатда** | **%** | **Фарки** |
| **1** | Ишланган техник чигит | тонна | 41900 | 43037 | 102,7 | 1137 |
| | Шу жумладан пахта чигити | тонна | 41900 | 42301 | 101,0 | 401 |
| | - - кунгабоқар дони | тонна | 0 | 736 | - | 736 |
| **2** | Ишлаб чиқарилган қора ёғ | тонна | 7899 | 8251 | 104,5 | 352 |
| | Шу жумладан пахта ёғи | тонна | 7899 | 7999 | 101,3 | 100 |
| | - - кунгабоқар қора ёғи | тонна | 0 | 252 | - | 252 |
| **3** | Қора ёғ чиқиши | % | 18,85 | 18,91 | - | 0,06 |
| **4** | Оқланган ёғ | тонна | 7031 | 7367 | 104,8 | 336 |
| | Шу жумладан пахта ёғи | тонна | 7031 | 7140 | 101,6 | 109 |
| | - окланган кунгабокар ёғи | тонна | 0 | 227 | - | 227 |
| | - - оқланган олий навли ёғ | тонна | 2931 | 4268 | 145,6 | 1337 |
| **5** | Доғланган ёғ | тонна | 4002 | 5093 | 127,3 | 1091 |
| **7** | Қадоқланган ёғ | тонна | 4002 | 4961 | 124,0 | 959 |
| **8** | «Ўзбекистон» ёғи | тонна | 0 | 0 | - | 0 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 11 | Кунжара (шрот) | тонна | 18772 | 19419 | 103,4 | 647 |
| | Шу жумладан кунгабоқар кунжараси | тонна | 0 | 462 | - | 462 |
| | Кадокланган широт | тонна | 0 | 1000 | - | 1000 |
| 12 | Кунжара чикиши | % | 44,80 | 44,81 | - | 0,01 |
| 13 | Шелуха | тонна | 13200 | 13322 | 100,9 | 122 |
| 14 | Шелуха чикиши | % | 31,50 | 31,50 | - | 0 |
| 15 | Хўжалик совуни ишлаб чиқариш | тонна | 2102 | 2649 | 126,0 | 547 |
| 16 | Атир совуни | тонна | 350 | 138 | 39,4 | -212 |
| 17 | СЖК ишлаб чиқариш | тонна | 680 | 574 | 84,4 | -106 |
| 18 | ДЖК ишлаб чиқариш | тонна | 535 | 831 | 155,3 | 296 |
| 19 | Ялпи мах-т амалдаги нар-да | м.с | 49516959 | 54274578 | 109,6 | 4757619 |
| 20 | Ишлаб чиқ-ган мах-тлар таннархи | м.с | 40908748 | 48766618 | 119,2 | 7857870 |
| 21 | Ялпи мах-т 1сўмига тўғри келадиган сарф | т. | 84,45 | 89,85 | 106,4 | 5,40 |
| 22 | Соф фойда(зарар) | м.с | 2000000 | 2110279 | 105,5 | 110279 |
| 23 | Рентабеллик | % | 18,41 | 11,29 | - | -7,1 |
| 24 | Ишловчилар сони-жами | киши | 710 | 649 | 91,4 | -61 |
| 25 | Шу жу-н и/ч қарашли бўл-н | киши | 690 | 629 | 91,2 | -61 |
| 26 | Умумий иш хақи фонди | м.с | 7360080 | 6518545 | 88,6 | -841535 |
| 27 | Умумий ўртача иш хақи | сўм | 863859 | 836999 | 96,9 | -26861 |

Жамиятда 2017 йил якуни бўйича бизнес режасини бажарилиши тахлил қилинганда, махсулот ишлаб чиқаришнинг асосий хом - ашёси пахта техник чигити режага нисбатан 1137 тонна ортиқ қайта ишланиши натижасида, қора ёғ ишлаб чиқиш режага нисбатан 352 тонна кўп ишлаб чиқарилиб белгиланган режа 104,5 фойизга бажарилган, қора ёғ чиқиши режадаги 18,85 % ўрнига 18,91 % ни ташкил этиб, режага нисбатан 0,06 % ортиқ олинган. Кунжара – 647 тонна кўп,ишлаб чиқарилиб, режа 103,4 фойизга, шелуха – 122 тонна режага нисбатан кўп ишлаб чиқарилиб, режа 100,9 фойизга бажарилган. Хўжалик совуни ишлаб чиқариш режага нисбатан 547 тонна кўп ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 126,0 фойизга бажарилган. Лекин рентабеллик даражаси режадаги 18,41 фоиз ўрнига хақиқатда 11,29 фоизни ташкил этиб, режага нисбатан 7,12 фоизга пасайиб кетган. Ялпи махсулотнинг амалдаги нархлардаги хажми 9,6 фоизга ошган. СЖК ишлаб чиқариш режага нисбатан 106 тонна кам ишлаб чиқарилиб, режа 84,4 фойизга бажарилган. ДЖК ишлаб чиқариш режадагидан 296 тонна кўп ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 155,3 фойизга ортиғи билан бажарилган.

**2017 йил якуни бўйича молиявий натижалар**

| Кўрсаткичлар номи | 2017 йил йиллик режа | 2017 йил ҳақиқатда | % | Фарқи |
|---|---|---|---|---|
| Махсулот сотишдан соф тушум (биржа нархларини хисобга олган холда) | 52415416 | 56679056 | 108,1 | 4263640 |
| Сотилган махсулот таннархи | 42746819 | 49616941 | 116,1 | 6870122 |
| Ялпи фойда | 9668579 | 7062115 | 73,0 | -2606482 |
| Давр харажатлари, ш.ж.: | 7359834 | 7367800 | 100,1 | 7966 |
| - Сотиш харажатлари | 783000 | 770498 | 98,4 | -12502 |
| - Маъмурий харажатлар | 1055566 | 802664 | 76,0 | -252902 |
| - Бошқа операцион харажатлар | 5531269 | 5794638 | 104,8 | 263369 |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 600000 | 3178050 | 5,3бар | 2578050 |
| Асосий фаолиятнинг молиявий натижаси | 2908763 | 2872364 | 98,7 | -36399 |
| Молиявий фаолият даромадлари жами: шу жумладан: | **0** | 179800 | - | 179800 |
| Дивидендлар шаклидаги даромадлар | 0 | 150194 | - | 150194 |
| Валюта курси фарқидан даромадлар | 0 | 19545 | - | 19546 |
| Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари | 0 | 10060 | - | 10060 |
| Молиявий фаолият бўйича харажатлар | 500000 | 509155 | 101,8 | 9155 |
| Фойизлар шаклидаги харажатлар | 440000 | 335375 | 76,2 | -104625 |
| Валюта курси фарқидан харажатлар | 60000 | 173780 | 2,9бар | 113780 |
| Фойда солиғини тўлагунга қадар умумий молиявий натижа | 2408763 | 2543009 | 105,6 | 134246 |
| Солик базасига қайта қўшиладиган харажатлар | 0 | 885428 | - | 885428 |
| Солиқ солинадиган фойда | **0** | 3342993 | - | 3342993 |
| Фойда солиғи | 216789 | 250725 | 115,7 | 33936 |
| Бошқа солиқлар | 191974 | 182005 | 94,8 | 9969 |
| Соф фойда | **2000000** | **2110279** | 105,5 | 110279 |

Жадвалдан кўриниб турибдики, махсулот сотишдан соф тушум 108,1 фоизга бажарилган, ёки белгиланган режадан 4 263 640,0 минг сўмлик кўп махсулот сотилган, сотилган махсулот таннархи режага нисбатан 6 870 122,0 минг сўмга ёки, 16,1 % га ортган.

Давр харажатлари режага нисбатан 100,1 фоизни ташкил этиб, 7 966,0 минг сўмга ортган. Сотиш харажатлари 770 498,0 минг сўмни ташкил этиб, режадагидан 12 502,0 минг сўм кам сарфланган, маъмурий харажатлар режага нисбатан 252 902,0 минг сўм кам сарфланиб, 76,0 фоизни ташкил этган, бошқа операцион харажатлар эса, режага нисбатан 263 369,0 минг сўм кўп сарфланиб, 4,8 фойизга ошиб кетган. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари режадагидан 2 578 050.0 минг сўм ортиқ олиниб, 5.3 бараварга оширилган.

2017 йил молиявий натижалар якуни бўйича бизнес режадаги 2 000 000,0 минг сўм соф фойда ўрнига хақиқатда 2 110 279,0 минг сўм соф фойда олиниб, белгиланган режа 105,5 фойизга бажарилган , яъни режага нисбатан 110 279,0 минг сўм кўп соф фойда олинган.

Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари 90 сатридаги 3 178 050,4 минг сўм даромад қуйидагилардан иборат:

| т/р | Даромад мазмуни | Суммаси |
|---|---|---|
| 1 | Омбор демонтаж қилинганда кирим қилинган металлом | 20 405,5 |
| 2 | Омбордан реализация қилинган б/у материаллар | 162 671,3 |
| 3 | Ижарадан олинган даромад | 17 678,4 |
| 4 | Вақтида олинмаган махсулот ва бошқа жарималар | 11 572,7 |
| 5 | Кунгабоқар шроти даромадга кирим қилинди | 161 575,0 |
| 6 | Даъво муддати ўтган кредиторлар даромадга олинди | 2 024 834,9 |
| 7 | Б/у Автоклав рашипленияни сотишдан даромад | 175 275,2 |
| 8 | Б/у Шнекпрессни сотишдан даромад | 26 901,6 |
| 9 | Қайта бахоланган қурилиш материаллари | 390 082,7 |
| 10 | Тошкентёғмой АЖ ва Интеграл инвестга темирйул хизмати | 171 169,1 |
| 11 | Зил-4314 бензовозни сотишдан даромад | 5 625,0 |
| 12 | ГАЗ-5312 бензавозни сотишдан даромад | 3 791,7 |
| 13 | Рамний фильтрни сотишдан даромад | 6 121,1 |
| 14 | Бошқа материаллардан | 346,2 |
| **Жами** | | **3 178 050,4** |

Жадвалдан кўриниб турибдики,асосий фаолият бошқа даромадларини асосий қисмини даво муддати ўтган 2 024 834,9 минг сўмлик даромадга олинган кредитор қарздорликлар, 390 082,7 минг, сўмини қайта бахоланган қурилиш материаллари, 364 848,1 минг сўмини илгари ишлаб чиққан эски материал ва укуналарни сотилиши ташкил қилади.

### 2. Корпоратив бошқарув принципларига риоя қилинишини текшириш натижалари бўйича хисобот

«Фарғона ёғ мой" АЖ бошкарув раисининг чораклик хисоботлари, шунингдек, «Фарғона ёғ мой" АЖ ички аудит хизматининг чораклик хисоботлари Кузатув Кенгаши томонидан мунтазам кўриб борилади ва йиғилиш баёнлари расмийлаштириб борилади.

2017 йил давомида Кузатув Кенгашининг йиғилишлари 2017 йил 24 мартда хамда 25 майда бўлиб ўтган. Умумий йиғилиш 2017 йил 23 июнда бўлиб ўтган.Бундан ташқари 2017 йил 5 июлда, 2017 йил 8 июлда, 2017 йил 4 сентябрда ва навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2017 йил 23 сентябрда бўлиб ўтган. Бундан ташқари 2017 йил 29 ноябрда Кузатув кенгаши

йиғилиши. 2017 йил 15 декабрда. навбатдан ташқари умумий йиғилиши. 2017 йил 27 декабрда кузатув кенгашининг йиғилишлари бўлиб ўтган.

Кузатув кенгашининг йиғилишларида жамият хўжалик фаолиятидаги камчиликлар мухокама қилиниб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, махсулот таннархини пасайтириш, янги иш ўринлари яратиш тўғрисида керакли қарорлар қабул қилиниб хужжатлар расмийлаштирилиб борилмоқда.

## 3. Бухгалтерия хисоби холати ва молиявий хисоботларни тузилишини текшириш иатижалари бўйича хисобот

“Фарғона ёғ мой” АЖда бухгалтерия хисоби Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия хисоби миллий стандартлари (БХМС) ва “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофик олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасига асосан корхонада ички хисоб ва хисобот учун “Хисоб сиёсати” ишлаб чиқилган ва кучга киритилган. Унда бухгалтерия хисоби юритилиши, молиявий хисоботларни тузилиши ва тақдим қилиниши, бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботлар билан боғлик муносабатларни тартибга солиш методологияси кўрсатиб берилган.

Бухгалтерия хисобини юритиш маъсулияти бухгалтерия бўлимига, хўжалик операцияларини амалга ошириш эса тегишли бўлинмаларга юкланган.

Бухгалтерия хисоби тўлиқ моддий жавобгар шахс бўлмаган бош хисобчи томонидан назорат қилинади. Нақд пул маблағлари бўйича моддий жавобгар шахс кассир хисобланади. Товар моддий бойликлар бўйича моддий жавобгар шахслар бўлиб цех, бўлим бошлиқлари ва омбор мудирлари хисобланади.

Бухгалтерия хисобини юритиш штат жадвалига асосан маълум шахсларга юклатилган. Моддий жавобгарлик штат жадвалига асосан маълум шахсларга юклатилган ва улар билан тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилган. Бунда корхона маълум равишда товламачилик холатларидан химояланган.

Аналитик хисоб ойма-ой юритилади, журнал-ордер тузилади, бош китоб юритилади, хар ойда бажарилган ишлар умумлаштирилади ва ўз вақтида мунтазам юқори ташкилотларга, солик ва статистика органларига тақдим қилинади.

Ишларни бажариш, товар ва хизматларни сотиш хисоби, хисоб-китоб хужжатларини харидорларга тақдим қилиш (счет-фактура, юк хати ва х.к.) Солиқ Кодексига мувофиқ амалга оширилади.

“Бухгалтерия хисоби тўғрисида”ги Конуннинг 13-моддасига мувофиқ солиқ ва мажбурий ажратмалар хисоблаш усулига асосан пул маблағлари тўловларидан қатъий назар қайси даврда амалга оширилган бўлса, ўша даврда тан олинади ва акс эттирилади.

Жамият бухгалтерияси томонидан 2017 йил ишонч коғозларини руйхатга олиш китоби кўрилганда, моддий жавобгар шахсларга берилган (бекор қилинган) айрим ишонч коғозларидаги ишонч қоғозини амал қилиш муддатлари, рўйхатга олиш китобидаги муддатларга мос келмаганлиги аниқланди, текшириш даврида ишонч қоғозларини руйхатга олиш китобини юритиш билан масъул бухғалтерия ходими чақирилиб, камчиликларни бартараф этиш хамда келгусида бундай хатоликларга йўл қўймаслик туғрисида тушунтиришлар берилди.

2017 йил якуни буйича хисоботлари солиқ қонунчилигига мувофиқ, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган, Адлия Вазирлиги томонидан 21.01.2008 йилда № 1760 рақам билан рўйхатга олинган “Молиявий хисобот шаклларини тўлдириш қоидалари”га мувофиқ тақдим қилинган.

Жамиятда 2017 йил якуни бўйича дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар тахлил қилинганда, қуйидаги холатда бўлганлиги аниқланди.

Жамиятнинг 2017 йил бошига ташкилот ва корхоналардан бўлган дебитор қарздорлиги 2 911 215,0 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2018 йил 1 январ холатига 2 761 842,0 минг сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 149 373,0 минг сўмга камайган.

Жамиятнинг 2017 йил бошига ташкилот ва корхоналардан 5 907 313,0 минг сўм кредитор қарздорлиги мавжуд бўлиб, 2018 йил 1 январ холатига 6 701 420,0 минг сўмни ташкил қилган, йил бошига нисбатан эса 794 107,0 минг сўмга ортган.

Дебитор қарздорликларни ундириш ва кредиторлик қарздорликларни сўндириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни, хар бир дебиторлик ва кредиторликлар бўйича шу дебиторлик ва кредиторлик ташкилотига алоқадор ишчи хизматчилар жавобгарлигини ошириш тўғрисида бошқарув қарорларини қабул қилишни, бевосита шунга алоқадор бошқа бўлимлар мутахассис ходимларига дебитор ва кредитор қарздорликларни ундириш ва сўндириш юзасидан топшириқлар берилиши хақида бошқарув органига тавсиялар берилиб, тегишли тартибда ёзма таклифлар киритилиб, оғзаки маслахатлар бериб борилмоқда.

## 6. Молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда корхона томонидан қонунчилик талабларига риоя қилинишини текшириш натижалари бўйича хисобот

Молиявий-хўжалик операцияларини амалга оширишда «Фарғона ёғ мой” АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Хукумат қарорлари, “Ўз Пахтаёғ ”АЖ қарорлари ва бошқа қонунчилик талабларига риоя қилинади.

Жамиятда текширув даврида қонунчилик талаблари бузилганлик холатлари аниқланмади.

## 7. Ички назорат тизими холатини текшириш натижалари бўйича хисобот.

Корхонада 2017 йил учун “Фарғона ёғ мой” АЖнинг такомиллашган ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган. Унда вазифаларни тақсимланишини маълум даражада таъминлайдиган бошқарув ва функционал алоқалар акс эттирилган. Умуман корхона ташкилий тузилмаси унинг фаолият кўламига мос келади.

“Фарғона ёғ мой” АЖда бўлимлар, хизматлар, цехлар, уларнинг хужжат алмашинуви, хужжатларни тақдим қилиш муддатлари акс эттирилган бўлимлар ва хизматлар тўғрисида Низом ишлаб чиқилган. Шунингдек, штатдаги ходимларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланган лавозим йўриқномалари хам ишлаб чиқилган.

Маъмурият томонидан тегишли тартиблар жорий қилинган, ходимлар томонидан унга тўлиқ риоя қилинади.

Жамиятда ишчи-хизматчи ходимларга ишга қатнашиш буйича тўлдирилган табеллар кўрилганда, қуйидагилар аниқланди: Маъмурий бошқарув ходимларига ва цех бошқарув ходимларига тўлдирилган ишга қатнашиш табеллари хеч қандай масъул шахслар томонидан имзо билан тасдиқланмаган холда иш хақи хисоблаш учун бухгалтерияга тақдим этилган ва ушбу асосда иш хақи хисоблаб келинган. Аслида цех бошқарув ходимларига тўлдирилган ишга қатнашиш табеллари жамиятнинг бош мухандиси томонидан тасдиқланиб, ходимларни бошқариш хизмати бўлимига текшириб олиш учун тақдим этилиши лозим эди. Маъмурий бошқарув ходимларига тўлдирилган ишга қатнашиш табеллари эса, табел тўлдирган шахс (табелщик) хамда ходимларни бошқариш хизмати бошлиғи томонидан имзоланиб, жамият рахбари тасдиқлагандан сўнг бухгалтериянинг иш хақи хисоблаш бўлимига тақдим қилиниши лозим эди. Текширув давомида табелларга масъул шахслар томонидан имзолар қўйдирилиб барча камчиликлар бартараф этилди, хамда келгусида бундай камчиликларга йул қуймаслик тўғрисида тушунтиришлар берилди.

## 6. Активлар холатини текшириш натижалари бўйича хисобот

Молиявий операцияларни амалга ошириш ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга оширишда корхона бўлинмалари томонидан хатоларга йўл қўймаслик мақсадида химоя тизими мавжуд. Хар қайси бўлинма ўз вазифасини бажаради ва ўзаро боғлик бўлинмага хисоб беради, натижада барча бўлинмалар марказлашган хисобот учун бош бухгалтер рахбарлигидаги бухгалтерия бўлимига тақдим қилади.

Бундан ташқари, маъмурият томонидан корхона активларини яроқли ва бут холда сақланиши учун чора-тадбирлар кўрилган:

- корхона кассаси сигнализация билан таъминланган, метал эшик ўрнатилган, бошқа хоналардан алохида жойлашган ва пул маблағлари махсус метал сейфда сақланади;
- моддий бойликлар махсус жихозланган омборхоналарда ваколатли моддий жавобгар шахслар назоратида сақланади;
- корхона худуди қўриқлаш хизмати ходимлари ва назоратчилар томонидан кечаю-кундуз қўриқланади;
- товар-моддий бойликлар, асосий воситалар, хужжатлар қўриқлаш хизмати ходимлари ва назоратчилар томонидан қўриқланади;
- видеокузатув тизими ўрнатилган.

Умуман корхонада товар-моддий бойликларни сақланиш назорати таъминланган.

## ЯКУНИЙ ҚИСМ

***Баланс кўрсаткичларининг иқтисодий тахлили***

Жамиятнинг молиявий-иқтисодий ахволини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси жамиятларнинг иқтисодий нобарқарорлиги ишлари буйича Қўмитаси Қарори билан 16.03.2005 йилда № ГС-05/0271/1 рақам билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 14.04.2005 йилда № 1469-рақам билан рўйхатга олинган Низомга мувофиқ динамиклик кўрсаткичларини аниқлаймиз:

4. ***Тўловга қобилиятлилик коэффициенти*** жамиятнинг қиска муддатли мажбуриятлар юзасидан тўловга имкониятини кўрсатади, бунда фақатгина ўз вақтида қопланадиган дебитор қарздорликни ва тайёр махсулотни тўсиқсиз сотиш билан, балки баланснинг бошқа жорий (оборот) активлари билан хам бахоланади. Коэффициентнинг камайиши жамиятнинг тўловга қобилияти пасайганлигини кўрсатади.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{К пл} = \frac{\text{Жорий (оборот) активлар}}{\text{Мажбуриятлар - Узоқ муддатли мажбуриятлар}} = \frac{\text{А2}}{\text{П2 – ДО}}$$

бунда: А2 – жорий (оборот) активлар (ишлаб чиқариш запаслари, тайёр махсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарздорлик ва бошқалар)

П2 – мажбуриятлар

ДО – узоқ муддатли мажбуриятлар.

$$\textbf{К пл} = \frac{14\ 055\ 853}{6\ 709\ 420} = \textbf{2,09}$$

Жамиятнинг тўловга қобилиятлилик коэффициенти **2,09** булиб, норматив кўрсаткич бўйича тўловга қобилиятлилик коэффициенти **1,25** дан кам бўлмаслиги керак. Демак, ушбу коэффициент бўйича жамият тўловга **тўла қобилиятли яъни жамият тўловга қобилиятлиги коэффициенти етарли даражада.**

2. ***Ўз маблағлари ва қисқа муддатли маблағлар хисобига қайтариш коэффициенти*** қуйидаги формула бўйича аниқланади.

Коэффициент қуйидаги формула билан аниқланади:

$$К\ сс = \frac{П\ 1}{П2 - ДО};$$

П1- ўз маблағлари манбалари
П2- мажбуриятлар
ДО-узоқ муддатли мажбуриятлар

$$К\ сс = \frac{34\ 860\ 477}{6\ 709\ 420} = \mathbf{5,19}$$

Белгиланган норматив хужжатларга асосан ўз ва қисқа муддатлик заём маблағларини таққослаш коэффициенти Ўзбекистон Республикаси худудида **1,0** дан кам бўлса, бундай ташкилот молиявий таваккалчилик орқали ишловчи жамият хисобланади. Юқоридаги формула бўйича хисобланган коэффицент **5,19** бўлиб, жамиятнинг ўз маблағлари ва қисқа муддатли маблағлар хисобига қайтариш коэффициенти **баланд** эканлиги аниқланди.

3. ***Харажатларнинг рентабеллик коэффициенти*** корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг фойдалилик (зарарлилик) даражасини кўрсатади.

Харажатларнинг рентабеллик коэффициенти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$К\ рр = \frac{Пудн}{Р};$$

бунда: Пудн – фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (5 устун, 240 сатр, ёки зарар – минус билан 6 устун, 240 сатр №2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот»);

Р – жами харажатлар (№2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги хисобот» – сатрлар суммаси (020 + 040 + 170 +230 6 устун)

$$К\ рр = \frac{2\ 543\ 009}{49\ 616\ 941+7\ 367\ 800+509\ 155} = \frac{2\ 543\ 009}{57\ 493\ 896} = \mathbf{0,044}$$

Ўзбекистон Республикаси худудида рентабеллик коэффициенти хисобот даври учун:

- агар нолдан паст бўлса (манфий қийматга эга бўлса), у холда корхона зарарга ишлаётган;

- агар **0,05** дан паст бўлса, у холда корхона паст рентабелли (монополист-корхоналардан ташқари) хисобланади.

Демак, корхона ўз молиявий-хўжалик фаолиятида **паст рентабелли** эканлиги маълум бўлди.

4. ***Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти*** корхона мулкдорлари ва кредиторларининг манфаатлари нисбатини молиявий барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўлган корхонанинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини тавсифлайди.

Коэффициент қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$К\ ос = \frac{(П1 + Дзк2) - А1}{А2};$$

бунда: А1 – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар.; баланс активининг I кисми, 130 сатр);

П1 – ўзлик маблағлар манбаи (устав капитали, резерв капитали, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва х.к.; баланс пассивининг I қисми, 480 сатр);

Дзк2 – узоқ муддатли активлар харид қилиш учун хисоблаш йўли билан йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар, бухгалтерия баланси 570 ва 580 сатрлари)

А2 - жорий активлар жами ( баланс активининг 2 қисми 390 сатр)

Ушбу касрнинг сурати ўзлик маблағларнинг қанча қисми айланма маблагларга йўналтирилганлигини, махражи жами айланма маблағлар суммасини кўрсатади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициентининг минимал қиймати Ўзбекистон Республикаси худудида - **0,2**. Агар коэффициент **0,2** дан кам бўлса, у холда корхона ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган хисобланади.

$$К\ ос = \frac{(34\ 860\ 477+1\ 800\ 000) - 29\ 314\ 045}{14\ 055\ 853} = \frac{7\ 346\ 432}{14\ 055\ 853} = \mathbf{0,52}$$

Демак, корхона ўз айланма маблағлари билан **тўла таъминланган.**

**“Фарғона ёғ мой” АЖ ички аудит хизмати аудитори:** **Ғаниев А.А.**